

Ўзбекистон Республикасининг **Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида** Конунининг **9-моддасига биноан** қўйидагилар ов қилиш жойларига кирмайди:

аҳоли пунктларининг ерлари;

соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;

шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

аэродромлар;

темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;

чегара олди минтақаси;

ҳосил йиғишириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;

тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидағи участкалар, агар ушбу обьектларни муҳофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса.